

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.13894556>

## XIX - XX АСР БОШЛАРИДАГИ МАРҒИЛОНДА ЯРАТИЛГАН АГИОГРАФИК АСАРЛАР

**Нодиржон Абдулахатов**

тарих фанлари доктори, Фарғона вилояти  
педагогик маҳорат маркази профессори.

E-mail: [an\\_igp@mail.ru](mailto:an_igp@mail.ru)

**Ривожиддин Шарафутдинов**

Фарғона вилояти  
педагогик маҳорат марказининг катта ўқитувчиси.

***Аннотация:** Ушбу мақолада Марғилон шаҳрининг ижтимоий ҳаётининг кўпгина жиҳатларини, аҳолининг иқтисодий ва маданий ҳаётини ўзида акс эттирган ҳамда Туркистон ўлкасининг икки-уч аср муқаддам ўтган тарихини ўрганишида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилувчи XIX - XX аср бошларидаги агиографик асарлар, маноқиблар тўғрисида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** агиография, манба, маноқиб, ёдгорлик, қўлёзма, тариқат, каромат, авлиё, сулола, шажара.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются агиографические произведения XIX - начала XX веков, которые отражают многие аспекты общественной, экономической и культурной жизни населения Маргилана и служат важным источником в изучении истории Туркестана двух-трех веков назад.*

***Ключевые слова:** агиография, источник, маноқиб, памятник, рукопись, секта, пророчество, святой, династия, родословная.*

**Resume:** *The article examines hagiographic works of the 19th - early 20th centuries, which reflect many aspects of the social, economic and cultural life of the population of Margilan and serve as an important source in the study of the history of Turkestan two or three centuries ago.*

**Key words:** *hagiography, source, manokib, monument, manuscript, sect, prophecy, saint, dynasty, genealogy.*

XX асрнинг охирларига келиб тадқиқотчилар агиографик адабиётларни Исломнинг кўп қиррали табиати ва мураккаб моҳиятини англаш учун муҳим манба сифатида кўришни бошладилар. Зеро, маноқиблар, яъни агиографик асарлар шайхларнинг оилавий тарихидангина иборат бўлмай бундай асарларда бошқа манбаларда учрамайдиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир маълумот ва ҳужжатларни учратиш мумкин [1:255].

Изланишлар давомида Марғилон шаҳрида яшовчи хонадонларда “Биби Робиа маноқиб”, “Маноқиб Хожа Аттор”, “Равзат ул ансоб”, “Ғавсул Аъзам”, “Машғал”, “Шажаронама”, “Равзат ул ансоб” сингари XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Марғилон маданий муҳитида яратилган агиографик мазмундаги маноқиб асарлар сақланиб қолганлиги аниқланди.

“Биби Роби’а маноқиб”. Қўлёзма эгаси Марғилон шаҳри Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Ёқутхон Аҳророва (1962 й.т.) Маноқиб шакли ўрама ҳолда ҳажми 99.5 x 63.8 см. Ушбу маноқибда суфий аёл Биби Роби’анинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар ҳикоя қилинади. Маноқибда келтирилган маълумотга кўра, Биби Роби’а Нақшбандия ва Қодирия тариқатларининг намояндаларидан бўлган. Мазкур маноқибда у ислом оламида “Роби’а” номи билан машҳур бўлган тўрт суфий аёллардан бири сифатида кўрсатилади[2:40].

Асрлар давомида “Султонул-авлиё”, “Мушоҳидалллоҳ”, “Амруллоҳ”, “Фазлуллоҳ”, “Омонуллоҳ”, “Нуруллоҳ”, “Қутбуллоҳ”, “Сайфуллоҳ”, “Фармонуллоҳ”, “Бурҳонуллоҳ”, “Оятуллоҳ”, “Ғавсуллоҳ”, “Ғавси Самадоний”, “Ғавсул-Аъзам” каби улуғ сифатлар билан ёдга олиниб, ислом дунёсида машҳур

бўлган Саййид Абдулқодир Жилоний тўғрисида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида ҳам агиографик мазмундаги асарлар яратилган. Хусусан, Фурқат, Ҳазиний, Қорий, Рожий ва бошқа ижодкорларнинг асарларида ул зот шу ном билан ниҳоятда ҳурмат эҳтиром билан васф қилинган[3:4].

“Маноқибӣ Фавсул Аъзам”, Рожий Марғиноний томонидан ёзилган бўлиб, 280 мисрадан иборат. Маноқиб уч ҳикоятдан иборат. Биринчи ҳикоятда ҳазрат Фавсул Аъзамнинг таваллуд топиши ва келиб чиқиши ва Фавсул Аъзам фаолиятининг бошланиши ҳикоя қилинади. Иккинчи ва учинчи ҳикоятларда Фавсул Аъзамнинг сулуклари ва айтганлари, кашфу кароматлари баён этилган[4:60-73].

Рожий Марғинонийнинг Марғилонда истиқомат қилган Фавсул Аъзам авлодларига нисбатан юксак эҳтироми туфайли “Маноқибӣ Фавсул Аъзам” асарини ёзишига сабаб бўлган. Чунки кейинчалик бу анъана бошқа Марғилон уламолари томонидан ҳам амалга оширилган. Марғилон маданий муҳитининг яна бир кўзга кўринган намояндаси Мулла Умаржон маҳдум Юсуфбек ҳожи ўғли Гурбатий ҳам Рожий Марғиноний каби Маноқибӣ Фавсул Аъзам” асарини ёзган[5:132].

Ғолиб Марғилоний ўзининг “Машъал” номли агиографик асарида шундай ёзади: “Бу китобнинг ёзишимга сабаб “Қодирийя” сулукларидан ва ҳазрат Фавсул аъзам наслларидан Ссаййид Баҳодирхон тўрамнинг таважжуҳлари ва ул зоти шарифга қилган ваъдам сабаб бўлди... Ман Абдул Азиз бин Болтабой бин Абдул Мажид Хожи раҳматуллоллоҳи алайҳ шу рисолаининг ёзишга бўлган сабаблардан баъзиларини ўқувчиларга билдириб қўймоқчиман. Энг аввалги сабаб мани саййидларимизга бўлган чин ихлосим ва шул сабаб билан саййидларимиздан дуо умидворлигим. Шунга кўра саййидларимизни таърихларидан жуда ҳам қисқа бир маълумот бериб ўтишни ўрунлик деб топдим, чунки саййидларимиз ҳақларида кўб бўҳтонлар ва кўб ёлғон тўҳматлар тўқулди. Ҳозирги ёш авлоднинг бўлак манбаалардан хабарлари бўлмагани учун

шу таърих деб аталмиш бўҳтонларга ишонадилар. Қолаберса хақиқий таърихлари ҳам бир мунча авҳомлар билан безатилганким бу авҳомларни hozirgi одамларни ақллари олмайди. Буларнинг тор фикри доираларига сиғмайди ва натижада гуноҳкор бўлуб қалблари қорайиб баъзан куфрга кетиб қоладурлар. Ҳазрат Ғавсул Аъзам маноқибларида баъзи бир ҳолатлар борким, унинг ҳозирги одамлар мутлақо ақлларига сиғдиролмайдилар, шуни натижасида гуноҳкор бўладилар. Шунинг учун ман бу рисолаининг hozirgi одамларнинг ақли даражаларига кўра ёздим. Ҳазрат Ғавсул Аъзам розияллоҳу анхунинг кароматлари ҳақида Маноқиб Ғавсул Аъзам номли китобда тўла бор, уларни такрорламадим”[6].

Шу ўринда Мирсайид Муҳаммад Алихўжа Марғилонийнинг “Шажаранома” асарига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида шажара ва насабномалар тарзида битилган асарлар Марғилон тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ қилишда муҳим ўрин тутса-да, афсуски ҳозирги кунгача махсус тадқиқ қилинмаган. Хорижлик тадқиқотчи Паоло Сартори таъкидлаб ўтганидек, ушбу муҳим тадқиқотларга қарамай, Ўрта Осиёликларнинг азалдан сўфийлик ҳикояларини тарихий билимлар мажмуасининг ажралмас қисми сифатида кўриб келганликларини сарҳисоб қилиш учун жуда оз иш қилинган[7:28].

Мирсайид Муҳаммад Алихўжанинги “Шажаранома” асари ҳақидаги дастлабки маълумотлар” 2007 йили “Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари” номли тўпламида чоп этилди[2]. Кейинчалик бу ҳақда “Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари” [8], “Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи”[9], номли асарларида сўз юритилди. Мазкур қўлёзма марғилонлик уламо ва саййидзода Мирсайид Муҳаммад Алихўжанинги насаби ва шажараси, Марғилон шаҳридаги саййидларнинг маълум бир табақаси ҳақида кенгроқ маълумот олишга ёрдам беради”[10].

Мирсайид Муҳаммад Марғилонийнинг аждоди Шайх Носуриддин узок йиллар Косонда (ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманида) тариқат

пири сифатида фаолият кўрсатган ва умрининг охирида, яъни XIX асрнинг бошларида Марғилоннинг Шоҳ Мансур қабристонида дафн этилган. Ҳозирда Носириддин Марғинович барпо этган чиллахона Юсуфхон эшон зиёратгоҳи номи билан Косонсой туманининг Сойча маҳалласида сақланиб қолган. Шайх Носириддиннинг ”Силсилаи нисбати машойих – Тазкират-ул-машойих” (“Машойихларнинг насаб силсиласи – Машойихлар ёдномаси” асари) Ўз.ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №11290/1 рақам остида сақланади. Қўлёзма настаълиқ хатда ёзилган бўлиб 47 варақдан иборат. Мазкур асарда Амир Сайид Шайх Аҳмад Носириддин ал-Марғинович нақшбандий тарикати машойихларининг ҳар бири тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилган[11:96]. Қўлимизда сақланаётган қўлёзмалардан бирининг охириги варақларида Шайх Носириддин тўғрисида унинг шогирди Хўжа Ҳомид Андижоний қуйидаги 34 мисрадан иборат шеър ёзиб қолдирган.

Хўжа Ҳомид устозига берган таърифида ул зотнинг тарикатдаги мақоми ва аждодларининг насаби ҳақида муҳим маълумотларни баён этар экан, Шайх Носириддин тўрт силсила арконини ўргатганлигини таъкидлайди. Демак, Шайх Носириддин ҳам ўз даврининг муршидларидан бири ҳисобланган. Юсуфхон Эшон бўлса, отаси ҳақида сўз юритар экан: “Аммо насаб ҳасаблари ҳазрат Имом Раббоний Мужаддий Алфи Сонийға борурлар”, деб ёзади[12].

Марғилоннинг Машҳад даҳасида Хусайний саййидларга мансуб Бурхониддин Қилич авлодлари истиқомат қилганлар. Айнан шу хонадон вакилларига бағишлаб “Равзат ул-ансоб” манокіби яратилган. “Равзат ул ансоб” қўлёзмаси ўтган асрнинг 80-йилларига қадар яшириб келинган. Қўлёзмани сақланиб қолишида Валихон тўранинг набираси Қиличхон Музафархон ўғли (1892-1965) хизматлари катта бўлган. 2002–2007 йилларда Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар чоғида “Равзат ул ансоб” қўлёзмасининг уч нусхаси

аниқланди[13:277]. Улардан иккитаси насрий ва учинчи қўлёзма назм йўлида ёзилган. Ҳозирда қўлёзмалардан бири Марғилон шаҳри, Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Ахрорхон Қиличхонов (1944 йилда туғилган) хонадонида сақланмоқда.

62 варақдан иборат мазкур агиографик асар XIX асрнинг охирида тукий тилида настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, марғилонлик Саййид Валихон тўра ибн Подшоҳхонтўра хонадони ҳамда Марғилонда яшаб ўтган авлиёларнинг ҳаёти ва олижаноб фазилатлари ҳақида ҳикоя қилиш баробарида Марғилон халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисида қизиқ маълумотларни ўз ичига олади[14:62].

Маълумотларга кўра Валихон тўра аҳоли орасида “Улуғ Хон” номи билан доврўғ топган[15:27]. Чор Руссияси Қўқон хонлигини босиб олиш учун Фарғона водийсига бостириб кирган вақти, Валихон тўра Марғилон шаҳрида миллий озодлик ҳаракатига йўлбошчилик қилган. Бу ҳақда “Тарихи Азизий” китобида шундай баён қилинган: “Султон Муродбек Файзиобод қишлоғидан Марғилон фуқароларидан Хўқанд тарафга қараб қочгандан сўнгра Валихон тўрам Марғилоннинг соҳиби бўлиб, қўлларида ҳукумат турган маҳалда, тўрам бир каромат қилдилар. “Шу жойдан ўрусияга ғазот қилмоқ учун жўнаб ўрусияни пойлаймиз, муқобил келиб, жанг қилсак, иншоолоҳ. Худойим бу мусулмонларга нусрат ғалаба берадур”, деб. Бу сўзларига ҳамма мусулмон эътиқод қилдилар. “Тўрам нимарсани билганлари учун шундай деб айтадилар, фатху зафар нусрати тўрам қўлларида бўлса, ажаб эмас”,– деб ҳамма бормоққа талабгор бўлди. Оти йўқ одам от сотиб олиб ва ҳар хил асбоб, кулча талқонларни ғамлаб, тайёр бўлиб, келиб, тўрамга кўриниш бердилар. Валихон тўра лашкарларини ораста қилиб, Эски Марғилондан жўнаб Балиқчи деган қишлоққа бориб тушдилар”[16:40].

Гарчанд Валихон тўра бошчилик қилган миллий озодлик ҳаракати кучлар тенг бўлмаганлиги ва аҳолининг ҳарбий соҳадаги лаёқатсизлиги ва тажрибасизлиги туфайли мағлубиятга учраган бўлса-да, бироқ, унинг аҳоли орасидаги обрў эътиборидан хавфсираб келган Чор ҳукумати ошкора ва яширин

тарзда уни доимий тарзда назорат қилиб келган. Валихон тўра Марғилон шахрининг диний раҳнамози бўлгани боис, унинг қўл остида катта миқдорда ерсувлар мавжуд бўлган. Бироқ, у бутун мол-мулкини халқ учун камбағал, етим-есирларга сарф қилган. Юртда юз берган нотинчликлар пайтида Валихонтўранинг хонадонида юзлаб бева-бечоралар паноҳ топиб, жон сақлаганлар[8:110].

Маноқибнинг кириш қисми саййидларга муносабат тўғрисида сўз юртилади: “Аммо баъд билгил ва огоҳ бўлғилким оят ва ҳадисдин сўнг бузургворларнинг сўзлариини эшитмоқнинг савоби бисёрдур ва саҳиҳ сайид насаблар кароматлари ва хориқ одатларининг ихлос бирла эшитса, неча фойдалар ва манфаатлар ҳосил бўлур.

Аввал улким, толиб муридлар эшитса талаби зиёда бўлур ва ҳиммати қавий бўлур. Иккинчи улки, кишини кўнглида ғурур ва димоғида кибру даъвоси бўлса, буларнинг сўзлари кўнглидаги кибрни ва даъвосини ботил қилур ва ўз нафсини яхши ва ямонини (5а) ўзига кўрсатилур ва Худо йўлига ихлос бирла кирар ва кўр ва ботин бўлса, ботин кўзи очилур. Кўнгли мусаффо ва равшан бўлур.

Ҳазрат Расули акрам (с.а.в.) айтибдурларким: “Сайидларнинг зикри бўлгон ерга раҳмат ёғар”. Авлоди сайидларнинг зикри бўлгон ерга раҳмат ёғса, шоядки эшитган кишилар ҳам раҳматдин маҳрум қолмағайлар ва ҳазрат Имом Муҳаммад Боқирдин нақл қилибдурларким, “Ҳар кишиким ҳазрат Муҳаммад Мустафо (с.а.в) га имон келтургон бўлса, авлодларига ихлос ва эътиқоди бўлмаса, дарҳақиқат Пайғамбар (с.а.в.)га иймон келтурмагон бўлғай”... (5б).

XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмида яшаб фаолият олиб борган уламолардан бири, етук фақиҳ, муфассир ва адиб Усмонхўжа Марғиноний тариқат муршиди Мажзуб Намангонийнинг набираси Атоуллахон (Отавалихон) тўранинг хаттоти бўлиб, Атоуллахон эшонни Сожидахон ойим<sup>1</sup> исмли қизини никоҳига олган. Ушбу никоҳдан ёлғиз фарзанд Маҳмудхон тўра<sup>2</sup> дунёга келган.

<sup>1</sup> Сожидахон ойим 1966 йилда вафот этган ва Саййид Бобо Термизий қабристонига дафн этилган.

<sup>2</sup> Маҳмудхон тўра (1919-2011) Саййид Бобо Термизий қабристонига дафн этилган.

Усмонхўжа Марғинович ўтган асрнинг 20 йилларида Ҳаж зиёратига бориб келгач вафот этган.

Мулла Усмонхўжа Марғинович “Маноқиб ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро” номли агиографик асарини муаллифи[17]. У шунингдек Фарғона водийсининг фозил кишилари ҳақида маълумот берувчи “Расоилул фузало” номли асар ҳам ёзган.

Муҳаммадамин ибн Муҳаммадазим Марғинович XIX асрда яшаб ўтган. “Тазкирату-л-атқийи ва масирату-л-асфийи ва лазизату-л-азкийи” (Тақводорлар ёдномаси, соф зотлар сайргоҳи ва зукколарнинг лазиз сўзлари) асарининг муаллифи[18:443]. Асарнинг муқаддимасида таъкидланишича, асар “Тазкирату-л-авлиё”, “Ҳазинату-л-асфийи”, “Рашаҳот”, “Нафаҳоту-л-унс”, “Мактубот” ва бошқа тасаввуф китобларидан фойдаланиб ёзилган[11:89]. Унда Даҳбед хожаларининг силсиласи мукамал берилган: Муҳаммад алайҳиссалом, Абу Бакр ас-Сиддик, Салмони Форсийдан тортиб то Муҳаммад Мусо Даҳбедийгача зикр этилган[19].

“Маноқиб” асарлар ўлкамиз маънавияти тарихига оид қимматбаҳо илмий мерос бўлиб, мазкур манбалар ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг дунёвий ва диний билимларни эгаллашга қизиқишини ошириш, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади[20:126]. Чунинчи, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Марғилон маданий муҳитида яратилган агиографик мазмундаги манбалар ўша давр диний-ижтимоий тарихни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур маноқиб асарларда Марғилон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир қимматли маълумотлар ўз аксини топган.



**ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: “Ўқитувчи”, 1994. – 432 б.
2. Мўминов А., Абдулаҳатов Н., Кавахара Я, Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле) / Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2007. №3. – 232б.
3. Шайх Саййид Абдулҳодир Гийлоний. “Сиррул-Асрор”, “Мактубот” /Таржимон, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи: Отабек Жўрабоев . Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.- 224 б.
- 4.Хўжажон қози Рожий Марғиноний. Авлодлар туҳфаси. Ўш шаҳри. 2007. Нашриёт кўрсатилмаган. – 192 б.
5. Девони Ғурбатий (Мулла Умаржон Маҳдум Юсуфбек ҳожи ўғли) – Ф.: “Фарғона” нашриёти, 2008. – 242 б.
6. Ғолиб Марғилоний. Машғал. Асарнинг қўзлзма нусхаси. Р.Файзуллаевнингнинг шахсий кутубхонасида сақланади.
7. Paolo Sartori. Of saints, shrines, and tractors: Untangling the meaning of islam in soviet Central Asia // loaded from <https://academic.oup.com/jis/advance-article-abstract/doi/10.1093/jis/etz001/5305684> by University of Western Sydney user on 02 February 2019.pp. 1-40.
- 8.Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Н. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. “Фарғона”, 2006. – 304 б.
- 9.Абдулаҳатов Н., Худойбердиев М., Холматов Н. Ошиқ Юсуф зиёратгоҳи. – Т.: “АДАБИЙОТ УШҚУНЛАРИ”, 2016. – 60 б.
10. Марғилон саййидлари тарихидан [Матн] / тузувчи Н.Юсупова. – Тошкент: ислом университети, 2018. -172 б.
11. Нашқбандийя тариқатига оид қўлзмалар фихристи. Муаллифлар: Шамсуддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов, Абдулазиз Мансур. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993. – 120 б.

12 Мазкур қўлёзма Косонсой тумани Сойча м.ф.й.да истиқомат қилувчи М. Худойбердиевлар хонадонида сақланади.

13. Kawahara Yayoi. Private Archives on Makdumzada Familu in Marghilan. TIAS Central Eurasian Research Series №7. Tokio. 2012.

14. Абдулаҳатов Н. “Равзат ул ансоб” маноқибби – муҳим тарихий манба // Ёш олимлар илмий тўплами. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – Б.62-69.

15. Корытов Н. Самозванец Пулат-хан // Ежегодник Ферганской области. Томъ I. Новый Маргелан, 1902. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи қўлёзмалар фонди. КП №5209. ПД. 736.

16. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва зоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. –Т.: “Маънавият”, 1999. -110 б.

17. Мулла Усмон Марғиноний. “Маноқибби ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро”. ЎзФа Қорақалогистон бўлими, Тарих, археология ва этнография институти.Инв.№1675.

18. Собрание Восточных рукописей (СВР). Том. VIII. Ташкент, 1967.

19. Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғиноний ал-Чимёний ал-Қурайший ан-Нақшбандий ал-Ханафий ал-Муҳаммадий. Тазкирату-л-атқиёи ва масирату-л-асфиёи ва лазизату-л-азкиё. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9037.

20. Матибаева Р. Б. Маноқиб жанридаги асарларнинг ислом манбашунослигидаги ўрни// “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон” “Бухоро – ислом маданияти пойтахти” номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн конференция материаллари. 28-29 май 2020 йил II. «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» Нашриёт матбаа бирлашмаси Тошкент – 2020 -Б.121-126.